

Mirzohid BOTIROV. «SO'Z MEHRI». She'rlar

Мирзоҳид БОТИРОВ

СЎЗ МЕҲРИ

(Шеърлар)

“Ҳаёт” нашриёти
Андижон - 2005 йил.

Ушбу китобнинг нашр этилишида ташаббус кўрсатиб, қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон маданият ходимлари қасаба уюшмалари марказий кенгашининг Андижон вилояти бўйича вакили, тармоқ қасаба уюшмалари раислари вилоят кенгашининг раиси, мухтарама Равшаной ЖЎРАЕВАга муаллиф чин дилдан миннатдорчилик билдиради.

Азиз ўқувчи!

«Сўз меҳри» ёш, иқтидорли ижодкор М. Ботировнинг илк китобчаси. Мажмуага унинг она-юрт, табиат, она, дўстлик, ҳаёт изтироблари ва шодликлари, севги мавзусидаги шеърлари жамланди.


Мирзоҳиднинг шеърлари юракларнинг нозик торларини самимий чертиб ўтувчи дардли туйгуларга бой.

Умид қиламизки, бу туйгулар сизнинг қалбларингизга ҳам кўчади.

01-02-05
ХГ-БМ _____ ША
28-06-05

**Ботиров Мирзоҳид. «Сўз меҳри»
(Шеърлар).**

© «Ҳаёт». А. - 2005.



*Мазкур илк китобимни
азиз онажоним **ҲИМОЯТХОН**
Очилдинбек қизининг порлоқ
хотирасига багишлайман.
Муаллиф.*

АНДИЖОН

Неча йиллар, неча аср ўтди, не замон,
Бу заминдан не улуғлар ўтди, не бир жон,
Кимларгадир тупроғига бош қўймоқ армон,
Не зотларга макон бўлган гўзал Андижон.

Тупроғида Бобур киндик қони бор юртим,
Моҳларойим- шоҳ онамиз номи бор юртим,
Муҳаммаддек қиёси йўқ шони бор юртим,
Улуғларга карвон бўлган гўзал Андижон.

«Андижоним қолди-ку» деб бўзлаган Бобур,
Армонининг ҳайкалидир Тожмаҳал, Лоҳур,
Бунчалар ҳам бўлмасайди шафқатсиз тақдир,
Шоҳ Бобурга армон бўлган гўзал Андижон.

Не бахт, она юртда омон-омон замона,
Армон бекор, Боғи Бобур сўлим кошона,
Қиёси йўқ олтин бешик, олтин остона -
Ҳиммат, меҳри уммон бўлган гўзал Андижон.

Шоҳ - шоирлар қаламига берган куч-дармон,
Ватан ичра жондай азиз жонимизга жон,
Эли танти, лафзи ҳалол, мунис онажон -
Шон, доврўғи жаҳон бўлган гўзал Андижон.



* * *

Дунё тарозиси ажойиб экан,
Меҳрибонларим ҳеч босмайди тошин.
Фақат мунис онам шому саҳарда
Мен-ла баҳам кўрар бир коса ошин.

Ажаб дунё экан, ажиб одамлар,
Гоҳо ажратарлар этни тирноқдан.
Гоҳо нафс йўлида эътиқод бир пул,
Нохуш ҳид таратиб бадбўй димоғдан.

Дилдан ишонаман бир ҳақиқатга:
Бу кўҳна дунёда яхшилар кўлдир.
Яшаш - кураш демак эзгулик учун,
Яхшилар ичида яшамоқ хўбдир.

* * *

Ўзбек омонлик учун фидо айлар жонини,
Яланғочга кийгизар ҳатто ўз чопонини.
Ҳушдан кетаёзса-да ногоҳ силласи қуриб,
Қирқ кишига улашар бир майиз - бир нонини.

Бу ҳимматлар энг оддий бир юракнинг айтгани,
Ўз қаричи бўйича ўлчагани, бичгани.
Холис, пок ният билан ўзбекни билмоқ учун
Соф юрак-ла ўзбекни англасангиз бўлгани.

* * *

Ғамга ботган дамларимда
Қай бирингиз йўқладингиз?
Раҳмат сизга, энг яқиним,
Кўриб туриб кўрмадингиз.
Пулга муҳтож эмас эдим,
Меҳр тўкиб келмадингиз,
Қадр-қиммат бойликда деб
Билган доно ошналарим.

Эвоҳ, сизнинг дўстлигингиз -
Алдов экан, ёлгон экан.
Содда кўнгил, иймонли дўст -
Топмоқ гоҳо армон экан.
Ўнг кўз девдим сизни, ўнг кўз -
Ёвдай бўлиб қолган экан.
Қадр-қиммат бойликда деб
Билган доно ошналарим.

Маили, омон бўлинг сиз ҳам,
Пул ўйнасин қўлингизда.
Лек сохталик булутлари
Эриб кетсин кўнглингизда.
Тилаганим: инсоф бўлсин
Қалбингизда, сўзингизда.
Қадр-қиммат бойликда деб
Билган доно ошналарим.

* * *

Устозга

Тўлан Низом ижодидан баҳра олган дам,
Вужудимни чулғаб олар чексиз аланга.
Булбулдайн хонишлари лол қилди мени,
Қоматлари ярашибди Бўздай чаманга.

...Шеърятинг дилдан севиб, Бўзнинг ўғлони,
Мен ҳам сўзнинг заҳматларин чекаман бугун.
Дард, сабот-ла машаққатли изингдан юриб,
Вақт келиб ўз йўлимни топарман бир кун...

Аста-секин куртаклар ниш ургани каби
Қалбимда сўз тугёнлари уйготар мени.
Беихтиёр, хуш лаҳзада сезмай қоламан
Сеҳрли куч ҳузурингга етаклаганим...

Шеърятнинг сўқмоқларин ёритар сўзинг,
Ҳавас қилар неча юлдуз нур сочишингга.
Бахтиёрман дарсхонангда сабоқ олишдан,
Не бахт, меҳр айланмишдир дил қуёшингга.

* * *

Устозим Қурбоновага

Ҳаёт нима, азобу дард ёки чексиз машаққат,
Иштироблар ёш қалбимга етказар экан заҳмат,
Оллоҳимдан ўзгадан ҳеч тополмадим-ку шафқат,
Муҳаббатдан воз кечмоққа сабаб нима, билмадим,
Ёлғизликни тан олмоққа сабаб излаб топмадим.

Олимасиз, қадди-қомат, фақат сизга, сизга мос,
Гўзаллигу ибо-ҳаё гўё фақат сизга мос.
Сўзларимдан гина қилманг, устоз, сиздан илтимос,
Муҳаббатдан воз кечмоққа сабаб нима, билмадим,
Ёлғизликни тан олмоққа сабаб излаб топмадим.

Навоийнинг ёлғизлиги етмасмиди, опагон,
Кўнгилдаги ғамларингиз кетмасмиди, опагон,
Муҳаббатнинг яралари битмас энди, опагон...
Муҳаббатдан воз кечмоққа сабаб нима, билмадим,
Ёлғизликни тан олмоққа сабаб излаб топмадим.

Ишонмасман булбул гул деб қилган хонишларига,
Ишонмасман Қайснинг энди Мажнун бўлишларига,
Ишонмасман ошиқларнинг ёр деб ёнишларига,
Муҳаббатдан воз кечмоққа сабаб нима, билмадим,
Ёлғизликни тан олмоққа сабаб излаб топмадим.

Сизни дея кўз ёш тўкар бугун севги худоси,
Сизни дея мотамсаро бугун оқшом сабоси,
Парчалади юракларни толибингиз нидоси,
Муҳаббатдан воз кечмоққа сабаб нима, билмадим,
Ёлғизликни тан олмоққа сабаб излаб топмадим.



БАҒИШЛОВ

*Устоз Абдуфаттоҳ ака
таваллудининг 60 йиллик тўйига*

Қутлуғ кунда, қутлуғ ёшда учрашганлар, бор бўлинг,
Ғамга шерик бўлганлари, шодликка ҳам ёр бўлинг,
Ҳофиз йигит, торни олиб жаранглаган тор бўлинг,
Бўз ерларни бўстон қилган, устоз, Сизга, эҳтиром,
Шогирдларин шоир этган, устоз, Сизга, эҳтиром.

Қадр тўйда билинади, устоз, бугун тилим лол,
Улуғнору Шаҳрихондан йўқлагувчилар бисёр,
Таърифлашга кўрганларим тилим ожиз, бемажол,
Бўз номини дoston этган, устоз, Сизга, эҳтиром,
Элу юртда обрў топган, устоз, Сизга, эҳтиром.

Маҳаллада, жамоада, Бўзда қутлуғ изи бор,
Одилликка чорлагувчи андижонча сўзи бор,
Қийналганга асқотувчи ҳалол нону тузи бор,
Юрт қадрини осмон билган, устоз, Сизга, эҳтиром,
Дўст дардига малҳам қўйган, устоз, Сизга, эҳтиром.

Қирқ йиллик тажриба айтмоқлик учун осон,
Абдуфаттоҳ мактабини ардоқлар бугун замон,
Меҳнатингиз қадрига келтирмақ керак иймон,
Ўн минг сонлик шогирдлардан таъзим, Сизга, эҳтиром,
Халқ қадрини осмон билган устоз, Сизга, эҳтиром.

Меҳнат қилган юртда азиз, азизсиз ҳар замонда,
Маорифнинг чироғисиз Маъруфобод томонда,
Тилаганим: доим яшанг устоз омон-омонда.
Шогирдлари алқаб турган, устоз, Сизга, эҳтиром,
Қутлуғ ёшга қадам қўйган, устоз, Сизга, эҳтиром.



КЕЛАСИЗМИ?

На маза бор наҳоримда,
Чечак битмас баҳоримда,
Армон оқар анҳоримда,
Келасизми!?

Юрак қургур қўймас экан,
Гоҳо журъат етмас экан,
Хотиралар ўлмас экан,
Келасизми!?

Бу муҳаббат кучимикин,
Ё севгининг ўчимикан,
О, қалбимиз қўримикин...
Келасизми!?

Бўсалардан тебранишлар,
Нафас олмай энтикишлар,
Ёдга тушар талпинишлар...
Келасизми!?

Жоним, Сиздан кечолмасам,
Сизни ҳеч тарк этолмасам,
Нетай, сизсиз ўтолмасам,
Келасизми!?

Ноҳақ бизни айбламай,
Ё назарга илиб, илмай,
Ё кесатиб, қиё боқмай,
Кетасизми!?

Ишқ гавҳари сўниб кетмай,
Қалб сиёҳга тўлиб кетмай,
Ошиқ Мирзо ўлиб кетмай -
Келасизми!?



БЕВАФО ЁР

Йигламайман, бевафогинам,
Юзинг ювиб оқса ҳам кўз ёш.
Унутмоққа эҳтиросларинг -
Етмаса-да мендаги бардош.

Йигламайман, қоши хилолим,
Тоҳир каби Зухросиз қолсам.
Армоним йўқ, назар тушмаган -
Бир зебони бахтли қилолсам.

ОҚШОМ ЎЙИ

Барқут оқшом яна олдинг хаёлим -
Мовий кўкда нур таратган ҳилолим.
Муҳаббатдан яна бўлса саволим,
Дилга малҳам бўласанми, нигорим?

Шаҳрихонсой сувларини эсласам,
Муҳаббатим куйга солиб куйласам,
Ойдин оқшом яна сени ўйласам,
Дилга малҳам бўласанми, нигорим?

Париларга қиёсласам ҳуснингни,
Ҳеч гўзалга алишмасам ўзингни,
Оҳуларга тенглаб қўйсам кўзингни,
Дилга малҳам бўласанми, нигорим?

Муҳаббатдан такрор бўлар саволим.



ЭСИНГДАМИ?

Эсингдами, жоним, илк бор ўшанда
Лабларингдан қониб бўса олганим?
Муҳаббатнинг зебо, бол диёрига
Илк бора энг бахтли меҳмон бўлганим.

Ўйноқлаб эркатой оқшом шамоли
Зар кокилларингни ўйнаганлари.
Миш-мишларин бошлаб дугоналаринг
Бизнинг севгимизни куйлаганлари.

Эсингдами, жоним гунча лабларинг
Лоладай қизариб бўзарганлари?
Тонгги гул баргидай тиниқ юзларинг -
Алвон шуълаларга ўралганлари?

Ҳавас қилиб шунда сирдош мажнунтол
Сирли огушига чорлаган кеча,
У ҳам мафтун бўлиб малоҳатингга,
Муҳаббатдан тўлиб куйлаган кеча.

Эсингдами, шунда юлдузли осмон -
Қуёшдай бетакрор лорлаганлари?
Муҳаббатнинг тотли, ўткир шароби -
Қалбимизни сархуш айлаганлари?

Шунда Зухродайин маъшуқалар ҳам -
Бизнинг севгимиздан лол бўлганлари...
Мирзо Тоҳир бўлиб сенинг қалбингга
Оташ севгисини жойлаганлари...

Эсингдами...



ТҮЙ

Дуэт

Қ: Севишингиз ростми, айтинг, акажон,
Қийнамангиз юраккинам, акажон.
Севиб, суйиб, ташлаб кетса, бевафо,
Айрилиққа чидолмасман, холажон.

Айтиб қўйинг, жон холажон, ёримга,
Кўнглимни забт айлаган султонимга.

Й: Андижонлик йигит сўзи биттадир,
Воҳ-воҳ, сиздан ўктам санам қайдадир?
Ошиқ Эркин айтганича бор экан,
Қайси ошиқ сиздай ёрдин қайтадир.

Айтиб қўйинг, жон холажон, ёрима,
Ишвалари ярашган дилдорима.

Қ: Барча ишни ўз бўйнимга оламан,
Ширин-шакар кулча ёпиб бораман.

Ота-онам рози бўлса бўлгани,
Андижонга ойдек келин бўламан.

Айтиб қўйинг, жон холажон, ёримга,
Кўнглимни забт айлаган султонимга.

Й: Сизни қийнаб ўзим ётиб олмайман,
Хизматингиз вақтида тақдирлайман.
Тўйни тезроқ бошлаш ниятимиз бор,
Фарзанд кўриб, тўйлар қилмоқ истайман.

Айтиб қўйинг, жон холажон, ёримга,
Ишвалари ярашган дилдоримга.

Й: Тўй бошлаймиз, баҳор келса, бўлгани,

Қ: Жой тополмай қолгум юрак қўйгани.

Й: Оқ либосда паридек келин бўлса,
Шунда келинг бизнинг ёрни кўргани.

Қ: Кўз тегмасин, жон холажон, ёримга,
Кўнглимни забт айлаган султонимга.

Й: Тегса фақат менинг кўзларим тегсин,
Ишвалари ярашган дилдоримга.



* * *

*Автохалокатга учраб,
15 ёшида вафот этган
синглим Нилуфарга*

Қисмат сени кўп кўрди, синглим
Армон тўла ёш оқар кўздан.
Баҳорини бериб Аллоҳга,
Холажонинг бормоқда Бўздан.

Ўн беш ёшга тўлмайин туриб,
Охиратни ихтиёр этдинг.
Очилмасдан ўндан бир гулинг,
Жигаргўшам, гўргина кетдинг.

Шошиламан, олислар манзил,
Иштирхонга етиб бўлмади.
Жасадингни кўрмоқлик бизга,
Жигарсўзим, насиб этмади.

Қўл узатсам, узоқдир осмон,
Ерни десам, қаттиқдир ер ҳам.
Майитингни пойида туриб,
Емирмоқда танамни алам.

Телбанома бўлиб қолдим-а,
Тушум бўлса, уйғотгин, болам.
Шунча «сийлов» каммиди менга,
Йўқотгандим синглими-у отам.

Турнақатор чизилиб олиб,
Дўст-дугонанг йиғлар бетиним.
Онажонинг кўз ёшларидан
Дилим вайрон, айланмас тилим.

Қиш ўтади, келади баҳор,
Иштирхонда гуллар бодомлар.
Бевақт кетди баҳордай синглим,
Мен баҳорсиз қолдим, одамлар...

ОНАЖОНИМНИ ЭСЛАБ


Юлдузлар самода саф тортган маҳал,
Онажон, дийдоринг кўргим келади.
Охуга айланиб самога учиб,
Онажон, руҳингни қучгим келади.

Юзларим, сочларим силаб шаббода,
Онамнинг қўлларин эслатди бугун.
Онамнинг кўйлагин юзига босиб,
Қизларим ичимдан йиғлатди бугун.



Ғариблигим бугун юзимдан аён,
Тўлиб йиғламоққа отланар юрак.
Мерос бўлиб қолди Онажонимдан
Қизим қулоғида товланган зирак.

Ҳар куни, ҳар кеча зиёрат қилиб,
Зиракни юракка қўйиб ётаман.
Гўё ёнимдадек меҳрибонгинам,
Бир озгина эркин нафас оламан.



...Кеча қабрингизга борсам, онажон,
Майса чулгамишдир қабр юзини.
Наргизим қабрингиз ачомлаб олиб,
Бағрингизда ётгандек туйди ўзини.

«Қани, кетдик» десам, юрмайдиболам,
«Очинг,- дейди йиғлаб, бу уй кўзини».
«Бир марта кўрайин Бувижонимнинг -
Меҳр тўла нурли, муънис юзини.

Қани, қўлга олсам шу чоғ ўзимни,
Ичимдан дард келар оловдай ёниб.
Қабр тупрогингиз кўзимга суртиб,
Юрагим йиғлади дарёдай тўлиб.

Йиғисин кўрмаган дадажонисин,
Қўрқиб кетди бироз қизим бечора.
Силаб, ўпиб кетди юз кўзларимдан.
«Дада, йиғламанг», - деб бўлиб парвона.

Бош эгик, иккимиз қайтдик мазордан,
Қизим ўйлантириб луқма ташлади:
- Бувим энди келмас, алдабсиз, дада,
Кўрдингиз-ку уйин бизга очмади.

Амаллаб чалғитдим қизалоғимни,
Қизлар билан ўйнаб ёзилди бир оз...
...Мана, йиллар ўтиб, ташвишлар билан
Юрак таскин топди шекилли бироз...

Қаранг, кунлар ўтди, кунлар беаёв,
Ойларни қувалаб йиллар ҳам ўтди.
Қоматлари сарв, чўзилиб бўйи,
Жажоки қизларингиз камолга етди.

Она, бугун совчи остона хатлаб,
Сўраб келишибди қизларингизни.
Чидармикан юрак бу айрилиққа,
Қизлар ташлаб кетса уйларингизни.

Ана совчилар ҳам хушлашиб кетди,
Боғлашиб кетдилар қизлар бошини.
Қанийди тўрида Сиз ўтирсангиз,
Ўзингиз ечсангиз қуда ошини.


...Она тўйларни ҳам бошлаб юбордим,
Ўйларим чалғитар карнай садоси.
Нимадир етишмас, кўнглим тўлмайди,
Дардимнинг йўқдайин асло давоси.

Юрак парчаланди тўй охирида,
Набирангиз йиғлар ризолик сўраб.
Ўзим тўхтатолмай мен ҳам йиғлардим,
Қизимга тугалмас бахтларни тилаб.

Карнай садоси ҳам тин олиб қолди,
Набирангизни олиб кетди янгалар.
Хувиллаб қолдимку катта ҳовлида,
Олисдан янграрди ёр-ёр, яллалар.

...Сукунат ярамни янгилаб кетди,
Сизнинг олдингизга бормоқ истадим.
Юрак ҳапқирмоқда, танда мадор йўқ.
Сизга кетмоқликни илк бор истадим.

Бошни олиб чиқдим, ҳайҳот, ҳовлидан,
Ташлаганча елкага эски чопонни.
Хайр-хўшлашдим ҳам қизларим билан,
Хаёлан эслашиб яхши-ёмонни.



Келдим, онажоним, ҳузурингизга
Қизингиз бахтини сўйлаб бергани.
Омонатингизни узатиб келдим,
Бир умрга, Сиз-ла, бирга қолгани...

«...Кел, болам», дедингиз, она, ғойибдан,
Ҳайратдан неча он туриб қолдим лол.
«Сен борсан - чироғим ўчмас. Набирам -
Бахтиёр бўлажак. Тўйхонага бор».


...Ҳушимни олмишдир бир лаҳза хаёл.

БОДОМ ГУЛЛАГАНДА

Никоҳ либосини кийгандай бодом,
Оқ ҳарир рўмолин ёзибди бугун.
Ҳусну жамолига лол қилиб мени,
Муҳаббатим ёдга солибди бугун.

Ойдек келин мисол субҳидам чоғи,
Боғ ҳам чиройини очарда яна.
Хайрли тонг дея деразам очиб,
Муаттар ҳидларин сочарди яна.

Ҳасад қилиб шамол боқишларимга,
Олиб кетди бодом назокатини.
Жувонмарг гунчалар кўз ёшин тўкиб,
Кўтардилар қалбим ҳароратини.



Ҳали ҳаёт гаштин туймайин туриб,
Нафис гул-ғунчалар ерда ётарди.
Бу ҳолдан изтироб чулғаб борлиқни
Ҳатто қушларнинг дарди ортарди.

Бодом, умид гулинг эҳтиёт айла,
Келганда навбаҳор гулларсан қайта.
Шаштидан қайтар-ку ўйноқи шамол,
Муҳаббатдан такрор қўшиқлар айта...

СИНФДОШЛАРИМ

Оқар сувдек оқиб бугун ёлгон дунёдан
Қувалашиб ўтиб кетди ёшлик чоғимиз.
Қадрингизга етмадим мен, етмадингиз сиз,
Сенсирашиб юрар эдик, бебош гоҳи биз.

Сочингиздан тортганимда йиғлар эдингиз,
Ўпқаланиб мактабга ҳам келмас эдингиз.
Дўстларимдан ажратиб гоҳ қийнар эдингиз,
Юрагимга яқинларим, синфдошларим.

Мактабларда юрар эдик тенг бўлиб дуркун,
Камчилик ҳеч бўлмас эди, ечилар тугун.
Беш қўл каби бўлиб қолдик, афсуски бугун,
Юрагимга яқинларим, синфдошларим.

Синфдошларим, синфдошларим,
Туққанимдек яқинимсиз, қариндошларим.



РИВОЯТ

Бир ғариб келибди шоҳнинг олдиға,
Ва ундан сўрабди куйиб, қайғуриб:
- Эй шоҳим, бир қошиқ қонимдан кечгил,
Менинг сўроғимни мағзини ечгил.
Агар ҳаёт сенга ҳукмин ўтказиб,
Айирса бир йўла хону монингдан,
Хотин-у, фарзанд-у, онажонингдан.
Қай бирин ҳажрида куйган бўлардинг?
Тугалмас бир дард-ла ёнган бўлардинг?
Ғарибнинг саволин шоҳ кўп ўйлади,
Мардона, юракдан ёниб сўйлади:
- Йиғламайман айирсалар хону монимдан,
Омон бўлса, топилгайдир, тошдан бу бошим.
Йиғламайман айирсалар агар хотиндан,
Омон бўлсам, йўлимдадир умр йўлдошим.
Йиғламайман айирсалар агар фарзанддан,
Омон бўлсам, белимдадир, билсанг, ўғлоним.
Ва-лек,
Сигмагайман бу кенг оламга,
Айирсалар онажонимдан.
Йиғлагайман Оллоҳ ҳаққига,
Қайирсалар жонажонимдан.
Қулоқ тутгил менга, эй ғариб,
Олам бўлсин десанг бир бўстон,
Оналарни бошингга кўтар,
Она билан олам гулистон!



ЮРАГИМГА ЯҚИН СИНГЛИМ

Гулжамол Асқаровага

Гулжамолим, чаманнинг зўр гулисиз сиз,
Юрагимнинг айтолмаган сирисиз сиз,
Орзудаги юлдузларим бирисиз сиз,
Юлдузлари юлдузимга яқин синглим.


Армонларинг оstonаси меникидир,
Чор деворинг ғамхонаси меникидир,
Умар Хайём майхонаси меникидир,
Оstonаси оstonамга яқин синглим.

Кўчаларинг кўчамиздек тор экан-да,
Ариқларинг ялпизларга зор экан-да,
Туйғуларинг қадримиздек бор экан-да,
Армонлари армонимга яқин синглим.

Қаричларинг қаричимга бўй берибди,
Ҳокисорлик ўйларингга ўй берибди,
Армон бугун Гулжамолга тўй берибди,
Хаёллари хаёлимга яқин синглим.

Елкалари кўнглимиздек чўкиб кетган,
Заҳматлари керагидан ортиб кетган,
Кимдир бугун бўйларингдан қўрқиб кетган,
Озорлари озоримга яқин синглим.

Эй дунёжон, бугун сендан безиб қолдик,
Оға-сингил ёлгонларинг сезиб қолдик,
Ушлаганда биз ҳам жиндак узиб қолдик,
Тирноқлари тирноғимдек ўткир синглим.



Бу дунёда сен йиғламай, ким йиғласин,
Бедавонинг дардларини ким тингласин,
Айтгил, Оллоҳ сийласа гар, тенг сийласин,
Пешонаси пешонамга яқин синглим.

Ёлгонларга меҳр билан бўйлаганим,
Кулдан девор тикламоқни ўйлаганим,
Кўрганларин унутолмай бўзлаганим,
Деворлари деворимга яқин синглим.


Сен йиғлама, мен йиғламай, жоним синглим,
Йиғлай олмас дўстларимиз араз қилар,
Суянчиғинг қаламингга ғараз қилар,
Қаламлари қаламимга яқин синглим,
Юраклари юрагимга яқин синглим.





МУНДАРИЖА

Андижон	3
«Дунё тарозиси»	4
«Ўзбек...»	4
«Ғамга ботган...»	5
«Тўлан Низом...»	6
«Ҳаёт нима...»	7
Бағишлов	8
Келасизми?	9
Бевафо ёр	10
Оқшом ўйи	10
Эсингдами?	11
Тўй	12
«Қисмат сени...»	14
Онажонимни эслаб	15
Бодом гуллаганда	18
Синфдошларим	19
Ривоят	20
Юрагимга яқин синглим	21



Адабий-бадий нашр.

Мирзоҳид БОТИРОВ

«СЎЗ МЕҲРИ»

Шеърлар

Муҳаррир: Пўлат АБДУЛЛА
Мусаввир: Нўмонжон АСҚАРОВ
Техн.муҳаррир: М. МИРЗАКАРИМОВА
Мусахҳиҳ: Мадина УСМОН

Босмахонага 28.06.2005 йилда берилди.
Босишга 05.07.2005 йилда рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Ҳажми: 1,5 б/т
Буюртма № 1079. 550 нусха.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ
босмахонасида босилди.